ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИДА ТАШҚИ ҚАРЗНИНГ ЎРНИ

И.ф.д., проф. Вахабов Абдурахим Васикович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Макроиқтисодиёт” кафедраси мудири

Аннотация. XXI асрнинг 20 йилларида жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги глобал муаммолар қаторига дунё иқтисодий ўсиш суратларининг секинлашуви, COVID-19 пандемияси, ёқилғи ва озиқ-овқат инқирозлари, глобал қўшилган қиймат занжирининг узилиши, жаҳон хўжалигида деглобаллашув, деинтеграциялашув ва дефрагментациялашув жараёнлари таъсирида бозор муносабатлари ривожланган етакчи мамлакатларда инфляциянинг юқори суратларга эга бўлиши ва рецессия босқичига кириши ҳисобланади. Ушбу ҳолат жаҳон иқтисодиётидаги етакчи мамлакатлар Марказий Банклари томонидан қайта молиялаш ставкасининг оширилишига, инвестицион фаолликнинг сусайишига, ташқи қарз инқирозининг чуқурлашувига олиб келди. Мақолада жаҳон иқтисодиётининг турли мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш суратларининг секинлашуви сабаблари, белгиловчи омиллари ва рисклари тавсифланган, таснифланган ва ушбу жараёнда ташқи қарз инқирозининг тутган ўрни баҳоланган. Ташқи қарзнинг вужудга келиш сабаблари тизимли ўрганилган, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра турли гуруҳларида ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ҳолати баҳоланган ва уни самарали бошқаришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий рецессия, иқтисодий ўсиш, “янги норма”, “ўрта даромадлар тузоғи”, давлат қарзи, ташқи қарз, хусусий (корпоратив) қарз, яширин қарз, қайта молиялаш ставкаси, ёқилғи инқирози, озиқ-овқат инқирози, жаҳон иқтисодиётининг деглобаллашуви, деинтеграциялашуви, дефрагментациялашуви, мамлакатни ташқи қарзига хизмат кўрсатиш ва бошқариш.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суратларининг секинлашуви даврининг узоқ давом этиши глобал миқёсда камбағалликни ва мамлакатлар ўртасидаги табақалашувни кучайтирди. Барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш ва глобал инфляцияни табиий даражага тушириш учун етакчи ривожланган мамлакатларнинг Марказий банкларининг қайта молиялаш ставкаларини пасайтириши АҚШ долларининг бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар миллий валюталарига босимининг пасайишига, импорт инфляциясини қисқартиришга имконият яратади. Ташқи қарзнинг ўсиш суръатларини барқарорлаштириш ва зарур бюджет резервларини шакллантириш бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларни макроиқтисодий барқарорлаштиришнинг пойдеворини ташкил этади. Аксарият мамлакатларда бюджет даромадлари ва давлат қарзига хизмат кўрсатувчи давлат харажатлари айирмасини, яъни бирламчи балансларини яхшилаш лозим. Жаҳон давлат қарзи 2023 йилда 100 триллион доллардан ортиб жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 93 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич 2030 йилда дунё ялпи ички маҳсулотининг 100 фоизига етиши прогноз қилиняпти. Мазкур ҳолат иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви, молиялаштириш шартларининг кескинлашуви, иқтисодий ва сиёсий ноаниқликларнинг кучайиши туфайли содир бўлмоқда.

Ушбу мақоланинг мақсади глобал инқирознинг чуқурлашувида ташқи қарзнинг ўрнини баҳолаш, иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва қарзга хизмат

кўрсатишни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётда жаҳон ташқи қарзининг келиб чиқиш сабаблари, ривожланган мамлакатлар давлат қарзининг оптимал даражаси, давлат қарзи билан ЯИМ ўсиш суръати ўртасидаги сабаб-оқибатларнинг назарий-амалий жиҳатлари узоқ хорижлик олимлардан М.Т.Ҳ. Счержон, А.Край ва В. Неруларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган[1]. П. Пегкас тадқиқотлари 2012 йилда Европа мамлакатларида содир бўлган “суверен қарзлар” кризисининг (Греция мисолида) ушбу минтақадаги иқтисодий ўсишга таъсирининг амалий жиҳатларини ўрганишга бағишланган[2]. Д. Азимова давлат қарзини жалб этиш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш мезонлари, ҳуқуқий-институционал асослари, давлат қарзини бошқаришнинг самарадорлигини таъминлашда давлат дастурлари ва бюджет-солиқ сиёсатининг тутган ўрни масалаларини тадқиқ этган[3]. Х. Ҳакимов томонидан давлат ташқи қарзини бошқаришни такомиллаштиришнинг институционал механизмининг дастаклари ўрганилган[4].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, иқтисодий таққослаш, тарихийлик ва мантиқийлик, математик моделлаштириш методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

XX асрнинг 20 йилларида жаҳон иқтисодиётида йиллик иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолат устун даражада жаҳон иқтисодиётида ривожланган мамлакатларни new normal (янги норма) - 2008 йилдаги молиявий иқтисодий инқироздан кейинги даврдаги иқтисодий ўсиш суръатларининг 1990-2000 йилларга нисбатан паст даражадаги ривожланиш моделига риоя этаётганлиги, ривожланаётган ва бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларни "ўрта даромадлар тузоғи (middle income trap)"га тушиб қолаётганлиги билан боғлиқ. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки мутахассислари фикрича 2024-2025 йилларда жаҳон иқтисодиётида ЯИМни ўсиши 3,2% даражасида барқарор суръатларда сақланиши прогноз қилинмоқда. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 6%, 2022 йилда 3,2% ва 2023 йилда 3,3% ташкил этди(1-жадвал). Жаҳонда иқтисодий ўсиш суръатлари глобал инфляцияни пасайиб бориши, жахоннинг етакчи мамлакатларининг Марказий Банкларини қайта молиялаш ставкасини ортиши, ёқилғи ва озиқ овқат инқирозлари, COVID-19 пандемия, глобал қўшилган қиймат занжирини узилиши, Россия-Украина мажораси, Россияга нисбатан ривожланган мамлакатлар томонидан қўлланилган санкциялар, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган деинтеграциялашув, деглобаллашув, дефрагментлашув жараёнлари ва протекционизм сиёсатини қўллаш туфайли секинлашди.

[1] Scherjon M.T.H. The search for optimal Debt Level. Erasmus University Rotterdam. 2017. Pp. 24-31.; Kraay A. and Nehru V. When Is External Debt Sustainable? The World Bank Economic Reiew, 2003.

[2] Pegkas, P. (2018). The Effect of Government Debt and Other Determinants on Economic Growth: The Greek Experience. Economies, 6(1), P. 10.

[3] Азимова Д. Коронавирус пандемияси шароитида давлат қарзини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлили // Молия ва Банк иши. – 2020. №2. 86-90 б.

[4] Ҳакимов Ҳ.А. Инқироз ва ундан кейинги шароитлар учун давлат қарзларининг юқори чегараси. // Молия ва банк иши. – 2020. №2. 124-131 б.

Яқин истиқболда жахон ЯИМ хажмини пасайишига халқаро юбозорларда хом ашё нархларининг нисбатан юқори даражада сақланиб қолиши, нефть баҳосининг ўзгариши, тариф ва савдо сиёсатининг ноаниқлиги, миграцияни камайиши, глобал молиявий шароитлар риски таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, Халқаро Валюта Жамғармаси мутахассислари фикрича иқтисодиётни фрагментлашуви глобал ЯИМни 0,2%дан 7%гача қисқартириши мумкин.

1-жадвал[5]

Жахонда реал ЯИМни йиллик ўсиш суръатлари(% ҳисобида)

	2023	2024	2025
Жахон ялпи ишлаб чиқариш хажми	**3,3**	**3,2**	**3,2**
Ривожланган мамлакатлар :	**1,7**	**1,8**	**1,8**
АҚШ	**2,9**	**2,8**	**2,2**
Евро ҳудуди:	**0,4**	**0,8**	**1,2**
Германия	-0,3	0	0,8
Франция	1,1	1,1	1,1
Италия	0,7	0,7	0,8
Испания	2,7	2,9	2,1
Япония	**1,7**	**0,3**	**1,1**
Буюк Британия	**0,3**	**1,1**	**1,5**
Канада	**1,2**	**1,3**	**2,4**
Бошқа ривожланган мамлакатлар	**1,8**	**2,1**	**2,2**
Ривожланаётган ва бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар:	**4,4**	**4,2**	**4,2**
Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар:	5,7	5,3	5
Хитой	5,2	4,8	4,5
Ҳиндистон	8,2	7	6,5
Европадаги бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар:	**3,3**	**3,2**	**2,2**
Россия	3,6	3,6	1,3
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси:	**2,2**	**2,1**	**2,5**
Бозор муносабатлари шаклланаётган ва ўрта даромадли мамлакатлар	**4,4**	**4,2**	**4,2**
Кам даромадли ривожланаётган мамлакатлар	**4,1**	**4**	**4,7**

Тахлиллар кўрсатишича, жахонда охирги 80 йил ичида илк бор бир ўн йилликда икки марта глобал рецессия ҳолати содир бўлди. Жахонда, жумладан ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлашаётган бўлсада, COVID-19 пандемиядан аввалги ўртача макроиқтисодий кўрсаткичларга эришгани йўқ.

Халқаро Валюта Жамғармаси экспертлари таҳлили кўрсатишича, иқтисодиётнинг стагнация ҳолатида тўрт йил ва ундан ортиқ муддатда бўлиши мамлакат ичидаги аҳоли даромадлари табақаланиши даражасини 20%га кучайтиради. Стагнация, рецессия босқичларида иш ўринлари яратилиши ва иш ҳақини паст суръатлар билан ўсиши таркибий ишсизликни вужудга келтиради ва мамлакатда банд бўлган аҳоли даромадларини қисқаришига олиб келади. Умуман, жаҳондаги иқтисодий ўсиш суръатлари қанчалик узоқ муддатли даврда паст суръатларда сақланса, аҳоли даромадларини табақаланиши даражаси шунчалик юқори бўлади.

Жаҳон банки тадқиқотлари кўрсатишича 2024 йилда 100 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар жумладан, Хитой, Хиндистон, Бразилия, Россия яқин ўн йилликлар мобайнида “ўрта даромад тузоғи”дан чиқиб жахон юқори даромадли мамлакатлари қаторига кириш борасида жиддий тўсиқларга дуч келмоқда. Ривожланаётган мамлкатлар аҳоли даромадлари ошиб борган сари жон бошига

[5] www.worldbank.org, October 2024

тўғри келадиган АҚШ ЯИМсининг 10%и даражасига -8000долл. етганда, 1990 йилдан буён 34 мамлакатлар ўрта даромадли давлатлардан юқори даромадли мамлакатлар қаторига Европа Иқтисодий Интеграцияси ёки номаълум нефть конларини очилиши туфайли кира олдилар. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар қаторига кириш учун ушбу мамлакатлар эски стратегияда, яъни узоқ вақт мобайнида фақат инвестицияга ёки муддатидан олдин инновацияга таянадилар. Бу борада Жахон банки янги ёндашувни дастлаб инвестицияга таяниш, сўнгра хориждан янги технологияни жалб этиш ва пировардида уч компонентидан иборат инвестиция, технологик “инъекция” ва инновация мувозанатини таъминлайдиган стратегияни қабул қилишни тавсия этади.

2-жадвал

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари (% ҳисобида)[6]

Мамлакат	2021	2022	2023	2024 п	2025 п	2026 п
Албания	8,9	4,9	3,4	3,3	3,4	3,4
Арманистон	5,8	12,6	8,3	5,5	5	4,6
Озарбайжон	5,6	4,6	1,1	3,2	2,7	2,4
Беларусь	2,4	-4,7	3,9	4	1,2	0,8
Босния ва Герцеговина	7,3	3,8	1,6	2,8	3,2	3,9
Болгария	7,7	3,9	1,8	2,2	2,8	2,7
Хорватия	13	7	3,1	3,5	3	2,8
Грузия	10,6	11	7,5	7,5	5,2	5
Қозоғистон	4,3	3,2	5,1	3,4	4,7	3,5
Косово	10,7	4,3	3,3	3,8	3,9	4
Қирғизистон Республикаси	5,5	9	6,2	5,8	4,5	4,5
Молдова	13,9	-4,6	0,7	2,8	3,9	4,5
Черногория	13	6,4	6,3	3,4	3,5	3,2
Шимолий Македония	4,5	2,2	1	1,8	2,5	3
Польша	6,9	5,6	0,2	3,2	3,7	3,4
Румыния	5,7	4,1	2,1	2	2,7	3,5
Россия Федерацияси	5,9	-1,2	3,6	3,2	1,6	1,1
Сербия	7,7	2,5	2,5	3,8	4,2	4
Тожикистон	9,4	8	8,3	7,2	5,5	5
Туркия	11,4	5,5	5,1	3,2	2,6	3,8
Украина	3,4	-28,8	5,3	3,2	2	7
Ўзбекистон	8	6	6,3	6	5,8	5,9

Жахон банкининг “Жахон тараққиёти хисоботи 2024” муаллифлари жахонда юқори даромадли тараққий этган мамлакатлар статусига эришишнинг уч “И”дан иборат стратегиясини тақдим этишди. Жахон мамлакатлари қайси иқтисодий ривожланиш босқичларида жойлашганликларига боғлиқ равишда босқичма-босқич мураккаб чора тадбирлар тизимини амалга ошириш лозим. Паст даромадли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 1145 долларгача бўлган мамлакатлар инвестицияни кучайтиришга қаратилган саъйи ҳаракатларини амалга ошириши лозим.

[6] www.worldbank.org, October 2024

Мамлакатда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори 1146 -4515 долл. эга ўрта қуйи даромадли мамлакатлар қаторига кирганда иқтисодий сиёсатини ўзгартириб инвестиция билан биргаликда хорижий илғор технологияни уйғунлаштириб уларни иқтисодиётни турли тармоқлари ва соҳаларида жорий этиш ва тарқатишга қаратилган комплекс чора тадбирларни амалга оширишлари лозим. Мамлакатда ўрта юқори даромадли аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори 4516-14005 долл. даромадга эга бўлганлар қаторига кирганда инвестиция, технологик “инъекция” ва инновацияни мужассамлаштирган “И-3” босқичига ўтади (3-жадвал). Инновация босқичида давлатлар жахонни илғор, юқори технологиясидан фойдаланган ҳолда қолмасдан ушбу чегараларни кенгайтириши лозим. Жаҳон амалиётида "И" уч стратегиясида мўлжалланган барча босқичларни муваффақиятли амалга ошириб, бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар қаторига кирган Корея Республикасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Агар 1960 йилда Корея Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 1200 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 33 000 АҚШ долларига тенг бўлди. Мамлакат ушбу сиёсатни унча мураккаб бўлмаган давлат инвестициялари ва хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлардан бошлади. 1970 йиллардан бошлаб маҳаллий компанияларни хорижий илғор, юқори технология ва нисбатан мураккаб ишлаб чиқаришни амалиётга жорий этишга рағбатлантира бошланди. Дастлаб лапша ишлаб чиқариш билан шуғулланган Самсунг компанияси ички ва минтақавий бозорлар учун телевизорлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бунинг учун компания Япониянинг SANYO ва NEC компанияларидан технология лицензиясини олди.

3-жадвал

Жахон банкининг 2024-2025 йилларда даромад даражаси бўйича мамлакатларни гурухланиши ва сони[7]

	Паст даромадли	Ўрта-қуйи даромадли	Ўрта-юқори даромадли	Юқори даромадли
2024 йил 1 июлдан 2025 йилгача (АҚШ долл.)	< 1 146	1 146 – 4 515	4 516 – 14 005	14 005 >
2023 йил 1 июлдан 2024 йилгача (АҚШ долл.)	< 1 136	1 136 – 4 465	4 465 – 13 845	13 845>
Мамлакатлар сони	26	51	54	86

XX асрнинг 20 йилларида Самсунг компанияси жаҳон миқёсидаги инновация манбаига - дунёдаги иккинчи смартфон ишлаб чиқарувчи компанияга айланди.

Худди шундай йўлни Польша ва Чили босиб ўтдилар. Польша Ғарбий Европа илғор технологиясини жалб этиш асосида меҳнат унумдорлигини оширишга

[7] www.worldbank.org

эътибор қаратди. Чили эса хорижий илғор, юқори технологияни узатишни ва ички инновацияларни жалб этишни рағбатлантирди. Чили Норвегияни лосос етиштириш технологиясини мамлакат маҳаллий шароитига мослаштирди ва ҳозирда жаҳонда лососни йирик экспорт қилувчи субъектга айланди. Жаҳонда қисқа муддатли даврда иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-ривожланган мамлакатларнинг Марказий банклари қайта молиялаш ставкасини пасайтириши лозим. Ушбу тадбир иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлайди, инфляцияни пасайтиради ва ишсизликни қисқартириш имконини яратади;

-солиқ-бюджет сиёсатида устувор йўналиш сифатида бюджет камомадини қисқартириш, қарз динамикасини барқарорлаштириш ва зарур бюджет захираларини тиклаш лозим;

-энг мураккаб вазифа-иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришга мўлжалланган бюджет захираларини тиклаш, глобал аҳолини қариши ва қисқариши муаммоларини ҳал қилиш, иқлимга камроқ таъсир кўрсатувчи иқтисодиётга ўтиш, ҳар бир мамлакатдаги аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ҳимоя қилишни яхшилаш ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий табақаланишни камайтириш лозим.

Қисқа ва ўрта муддатли истиқболда жаҳон ишлаб чиқаришига таъсир этувчи рисклар, унинг ўсиш суръатларини пасайтиради. Халқаро савдо борасидаги кескинликнинг ортиши ва кўп томонлама савдо тизимидан воз кечиш эҳтимоли жаҳон иқтисодий ўсишига асосий хавф туғдирувчи омилларга айланди.

Барча мамлакатлар таркибий ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари лозим. Ушбу ҳолат меҳнат унумдорлигини ошириш ва олинган самаралардан фойдаланиш, жумладан технологик инновациялар ва юқори технологияларни тарқатишни рағбатлантириш, таркибий ўзгаришлар туфайли иш жойларини йўқотган кишиларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, таълим ва кадрларни ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш учун инвестицияларни сарфлаш лозим.

XXI асрнинг 20-йилларида жаҳон иқтисодиёти тизимли қарздорлик инқирозидан қуйи ва ўрта даромадли мамлакатларда ташқи қарзга хизмат кўрсатишга катта маблағлар сарфланиши туфайли кутилиб қолинди. Жаҳонда давлат қарзлари борасида жуда мураккаб вазият вужудга келди. 2023 йилда жаҳонда ялпи давлат қарзи глобал ялпи ички маҳсулотга нисбатан жадал суратларда ўсиб 2023 йилда 101 триллион долларни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич жаҳон ЯИМга нисбатан 93%ни ташкил этмоқда ва 2030 йилга бориб 100%га тенглашиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 10%га кўпайди[8].


Ташқи қарз сиёсатини амалга оширишда ҳар бир мамлакат ўзининг тўлов қобилиятини, товарлар экспортига боғлиқлик, ЯИМ ўсиш суръатларига боғлиқлик, қарз мажбуриятларини давлат бюджети ҳисобидан қоплаш нуқтаи назаридан ҳисоблаб чиқиб, оладиган ташқи қарзни муддатида қайтариш учун халқаро олтин-валюта резервларининг етарлилиги ва қарзларни қайтаришдаги рискларни баҳолаши лозим.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида давлат қарзининг ЯИМга нисбати ортиб бормоқда. Жумладан 2023 йилда Япония давлат қарзининг ЯИМ нисбати 263,9%ни, Италия қарзи 137,3%ни, АҚШ қарзи 122,3%ни, Франция қарзи эса 110,6%ни ташкил этди(1-расм).

[8]Э.Дабла-Норрис, Д.Фурчери, Р. Лэм, Й. Менкуласи “Ситуация с государственным долгом в мире, вероятно, хуже, чем предстовляется”- www.imf.org , 12 October 2024

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра мамлакатлар қарз рискларига чуқур ишлаб чиқилган солиқ-бюджет сиёсатини қарши қўйишлари лозим. Ушбу солиқ-бюджет сиёсати барқарор иқтисодий ўсишни ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож уй хўжаликларини ҳимоясини таъминлаши керак.

Аксарият мамлакатларнинг давлат бюджетлари истиқболлари харажатларга бўлган катта эҳтиёж прогнозларини оптимистик эгилиши ва аниқланмаган катта қарзлар миқдори мавжудлиги туфайли ёмон бўлиши мумкин. Аниқланмаган яширин қарз бу фуқароларга ва кредиторларга эълон қилинмайдиган давлат мажбуриятида ва унинг тўлашга масъул бўлган қарзи тушунилади. Жаҳонда расмий давлат балансида одатда қайд этилмайдиган ушбу қарз миқёси 1 трлн. долларни ташкил этмоқда[9]



1-расм. Жаҳон мамлакатларида ташқи қарзнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори, минг долл.[10]

Жаҳонда давлат қарзини пессимистик сценарийлари қуйидаги омиллар таъсирида шаклланиши мумкин: иқтисодий ўсиш суратларини секинлашуви, қарзни молиялаштириш шароитларини ёмонлашуви, режалаштирилган бюджет кўрсаткичларини бажарилмаслиги ва сиёсий ноаниқликни кучайиши.

Жаҳон банки маълумотларга кўра ривожланган мамлакатлар 2022 йилда давлат ташқи қарзи ва ҳукумат томонидан кафолатланган қарзларга хизмат кўрсатиш учун 443,5 млрд. доллар сарфлаган. Ушбу харажатларни ортиши соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф-муҳит муҳофазаси каби ҳаётий зарур ижтимоий соҳаларни молиялаштиришни қисқартиришга олиб келмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда қарзга хизмат кўрсатиш тўловлари 5 фоизга ортиб, 2022 йилда 88,9 млрд. долларга етди. 2012-2022 йилларда ушбу мамлакатларнинг процент тўловлари тўрт марта ортиб, 2022 йилда 23,6 млрд. долларни ташкил этди. Жаҳонда паст даромадли мамлакатларнинг 60 % қарз инқирозига тушиш ҳолатининг юқори рискига дуч келмоқда ёки қарз инқирози

[9] Р.Уикс Браун “Скрытый долг наносит ущерб экономике. Усовершенствование законов о раскрытий информации может помочь снизить этот ущерб”-2 апреля 2024г. www.imf.org


[10] Алексеев Ю. У опасной черты. Долговая воронка затягивает крупнейшие экономики мира. https://centrasia.org//newsA.php?st=1724364780

ҳолатига тушган. Масаланинг мураккаблиги шундаки, паст даромадли мамлакатларда экспорт тушумининг аксарият қисми процентлар учун тўловлар тўлаш учун сарфланмоқда, зеро ташқи қарзнинг учдан бир қисми сузиб юрувчи процент ставкаси асосида олинган.

Давлатнинг ташқи қарзини иқтисодий ўсишга таъсири кўп қирралидир. Қарзнинг катта миқдори ва унга хизмат кўрсатишнинг юқори мажбуриятлари миллий иқтисодиётда ресурсларни самарали инвестициядан чалғитиб, иқтисодий ўсиш салоҳиятини пасайтириши мумкин. Мамлакат бюджет маблағларини жиддий қисмини ташқи қарзга хизмат кўрсатишга сарфланиши, иқтисодий ўсиш салоҳиятини қисқартиради, мамлакат иқтисодиётини иқтисодий инқироз ва чайқалишларга мойиллигини кучайтиради.

Ташқи қарз олиш шарт-шароитлари, унинг мамлакат бюджетига бўлган босими барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсирини аниқлаш имконини беради. Қарзнинг барқарорлиги қарзнинг ЯИМга нисбати ва қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти билан ўлчанади.

Мамлакатнинг ялпи ташқи қарзи мамлакат резидентлари томонидан норезидентлар олдидаги келажакда тўланиши лозим бўлган қарз ва фоизлар шаклидаги тўланмаган жорий мажбуриятлар суммасини ифодалайди. Ялпи ташқи қарз давлат ва хусусий сектор қарзларининг йиғиндиси ҳисобланади. Мамлакат ташқи қарзининг реал даражаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган қарз миқдори билан ўлчанади. Жаҳон мамлакатлари таркибида ташқи қарзнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни АҚШ эгаллайди (104,5 минг. доллар). Ушбу кўрсаткич Японияда 70,4 минг доллар, Италияда 51,9 минг доллар, Буюк Британияда 51,6 минг доллар, Францияда 40,3 минг доллар, С20 да эса 23,6 минг долларни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Давлвт қарзининг ЯИМдаги улуши.[11]

[11] “Ўзбекистоннинг давлат қарзи илк марта 37 млрд.долларга етди. Умумий қарзлар эса 60 млрд. Доллардан ошган”-www.kun.uz

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон мамлакатлари ташқи қарзини ортишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда: демографик ўзгаришлар, глобал аҳолини қариши муаммоси ва соғлиқни сақлаш, таълим, яшил иқтисодиётга ўтиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, геосиёсий кескинлик кучайиб бораётган шароитда мудофаа ва энергия хавфсизлигига кўпроқ маблағ сарфлаш зарурияти шулар жумласидандир.

Ушбу жараён бозор муносабатлари шаклланаётган Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам хосдир. 2024 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг давлат қарзи миқдори ва унинг ЯИМга нисбатан улуши қуйидагича бўлди.

1. Қозоғистон - 59,8 млрд. доллар, ЯИМга нисбатан 23,0%;
2. Ўзбекистон - 37 млрд. доллар, ЯИМга нисбатан 34,4%;
3. Қирғизистон - 6,2 млрд. доллар, ЯИМга нисбатан 45,2%;
4. Тожикистон - 3,6 млрд. доллар, ЯИМга нисбатан 30,2%;
5. Туркманистон - 3,8 млрд. доллар, ЯИМга нисбатан 5,0%.

"Давлат қарзи тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон давлат қарзининг максимал миқдори ЯИМга нисбатан 60%, жумладан Марказий Осиё мамлакатларида Тожикистонда 60%, Қирғизистонда 70% ва Қозоғистонда 27% дан ошмаслик тавсия этилган.[12]

Ўзбекистонда 2017-2023 йилларда давлат қарзи 11,5 млрд. доллардан 37 млрд. долларгача, ёки 3,2 марта кўпайди. Давлат қарзининг 30,9 млрд. доллари - ташқи қарз, 6,1 млрд. доллари ички қарзни ташкил етди.[13]

4-жадвал

Ўзбекистон давлат ташқи қарзининг қарз берувчилар кесимидаги таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида[14]

	2019	2020	2021	2022	2023
Халқаро молия институтлари	**47**	**48**	**46**	**53**	**56**
Осиё тараққиёт банки	25	24	22	23	22
Жаҳон банки	17	18	18	21	22
Ислом тараққиёт банки	5	4	4	3	3
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	0	0	0	2	4
Халқаро валюта жамғармаси	0	2	2	1	3
Европа тикланиш ва тараққиёт банки	0	0	0	1	1
Бошқалар (Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ОПЕК ва ЕИИБ)	1	1	1	1	1
Хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотлари	**46**	**44**	**43**	**37**	**32**
Хитой тараққиёт давлат банки, Хитой эксимбанки ва б.	21	19	18	15	13
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва б.	12	11	11	9	8
Корея Эксимбанки, Корея иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва б.	5	5	4	4	3
Франция тараққиёт агентлиги ва б.	3	3	2	3	3
Саудия тараққиёт жамғармаси	1	1	1	0	0
Германия давлат банки	1	1	1	0	0
Испания давлат банки	1	1	0	0	0
Бошқалар	3	4	5	5	5
Инвесторлар	**6**	**8**	**11**	**10**	**11**
Халқаро облигациялар	6	8	11	10	11

[12] “Давлатлар зиммасидаги қарз 100 трлн. Доллардан ошмоқда. Маказий Осиёда вазият қандай?” – www.kun.uz
[13] “Ўзбекистоннинг давлат қарзи илк марта 37 млрд.долларга етди. Умумий қарзлар эса 60 млрд. Доллардан ошган”-www.kun.uz
[14] www.cbu.uz

Давлат қарзининг 83 фоизи ташқи қарз ва 17 фоизи ички қарз ҳиссасига тўғри келди. Давлатнинг ташқи қарзи қуйидаги кредиторлардан олинди: халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва бошқалар) 57%, хорижий давлатларнинг молия ташкилотлари (Хитой тараққиёт давлат банки, Хитой эксимбанки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея эксимбанки ва бошқалар) 33% ва инвесторлардан (Халқаро молия бозорлари) 10% олинди.

Табиий савол туғилади: хориждан жалб қилинган давлат ташқи қарзи қайси мақсадлар учун сарфланган. 2019-2023 йилларда жалб қилинган қарз маблағларининг 40 фоизи бюджетни қўллаб-қувватлашга, 20 фоизи ёқилғи энергетика соҳасига, 9 фоизи транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалигига 9 фоизи уй-жой коммунал хўжалигига ва 7 фоизи бошқа соҳаларга сарфланган. Хориждан жалб қилинган кредитларнинг аксарият қисми узоқ муддатли бўлиб, тўлаш учун имтиёзлар берилиши кўзда тутилган кредитлардан иборат.

2023 йилдаги давлат ташқи қарзининг валюта таркиби қуйидаги кўринишга эга бўлди: АҚШ долл.- 71%, Япония иенаси-7%, SDRда-7%, Евро-7%, юань-3% , ўзбек сўми-2% ва бошқалар[15].

5-жадвал

Ўзбекистон давлат ташқи қарзининг тармоқ таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида[16]

	2019	2020	2021	2022	2023
Давлат ташқи қарзи, жами	100	100	100	100	100
шу жумладан:					
Бюджетни қўллаб-қувватлаш	11	20	25	33	40
Ёқилғи энергетика саноати	27	27	25	22	20
Транспорт ва транспорт инфратузилмаси	13	11	11	10	9
Қишлоқ ва сув хўжалиги	12	11	10	10	9
Уй-жой коммунал хўжалиги	11	10	9	9	9
Тадбиркорлик фаолияти ва саноат ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш	9	7	6	4	4
Кимё саноати	6	5	5	4	3
Соғликни сақлаш, таълим, АКТ ва б.	10	9	9	8	7

Мамлакат ташқи қарзи давлат қарзи ва хусусий (корпоратив) қарзлардан иборат. Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хўжалик субъектлари давлат кафолатисиз ташқи қарз олса бу хусусий ташқи қарз деб аталади. "Хусусий" секторда асосан давлат улушга эга бўлган компаниялар ва банклар ифодаланади (давлат банк

[15] www.cbu.uz
[16] www.cbu.uz

секторининг 68% улушига эга, жумладан 2019-2024 йилларда 4,2 млрд. долларлик қарздорлик қоғозларини муомалага чиқарган (UzAuto Motors, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекнефтгаз, давлат банклари ва бошқа компаниялар эгаси ҳисобланади). ХВЖ маълумотларига кўра давлат корхоналари ва давлат хусусий шерикчиликлар томонидан давлат кафолатисиз олинган қарз 2023 йил ЯИМнинг 8 фоиз ташкил этгани қайд этилган. Ушбу давлат билан боғлиқ корхоналар асосан энергетика ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий валютада қарз олишлари хажмини кескин оширмоқда.

Умуман, 2023 йилни якунига кўра умумий ташқи қарз (давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарз, кафолатланмаган давлат корхоналари қарзи ва хусусий ташқи қарз) 60 млрд. доллар ёки ЯИМнинг 60 фоизини ташкил этади ва барқарор суратларда ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “2025 – 2027 йилларга мўлжалланган бюджетнома” лойиҳасида давлат қарзи 2024 йилда 39,7 млрд.долл. ва 2027 йилда 55,9 млрд.долларга етиши прогноз қилинмоқда[17]

Ташқи қарз миқдорининг ўсиб бориши қуйидаги рискларни вужудга келтириши мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиёти экспортининг товар ва географик таркиби диверсификациялашмаганлиги сабабли жаҳон бозори конъюнктуралари ўзгаришлари ва шаклларига боғлиқлиги кучли таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, миллий валюта курсини қадрсизланиши ва девальвацияси билан боғлиқ хавф-хатарлар бор. Жумладан валюта курси кескин ўзгариши ва ўзбек сўмининг қадрсизланиши даражаси юқорилиги ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари ва миқдорига таъсир кўрсатади. Мамлакатда валюта курсини 1 % га қадрсизланиши инфляцияга 0,3-0,4% салбий таъсир кўрсатади[18].

Учинчидан, глобал иқтисодиётда инфляция суратлари ортиши муносабати билан жаҳоннинг етакчи мамлакатлари марказий банкларини қайта молиялаш ставкасини ошиши халқаро бозорларда кредит ва капитал нархини кескин қимматлашуви мамлакат иқтисодиётига ташқи қарзини жалб этишни қийинлаштиради.

Тўртинчидан, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари ортиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари 0,5 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу сумма 2,82 млрд. долларга тенг бўлди.

Сўнгги йилларда ташқи қарзни кескин суратларда ортиб боришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- миллий иқтисодиётда модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ йирик инвестицион лойиҳалар сони ортиб бормоқда;

- "санитар инқирози", жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш суратларини секинлашуви ташқи қарзни ортишига олиб келмоқда;

- давлат бюджети тақчиллигини ортиб бориши, жумладан 2023 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 5,5 фоизни ва йиллик ташқи қарз лимити 5,5 млрд. долларни ташкил этди. 2025 йилда Ўзбекистон ҳукумати ва давлат кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажми 5,5 млрд. доллар бўлишини режалаштирилмоқда. 5,5 миллиард доллардан 3 миллиард давлат бюджетига қўллаб-қувватлаш шу жумладан давлат бюджетига молиялаштириш учун, 2,5 млрд. доллар эса инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади. [19]2023 йилги

[17] “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” лойиҳа-www.imv.uz

[18] Марказий банк бошқаруви 2024 йил 31 октябрдаги йиғилишида асосий ставкани йиллик 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди www.cbu.uz

[19] “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” лойиҳа-www.imv.uz

давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасида Ўзбекистон номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларнинг чекланган соф ҳажми 30 триллион сўм, давлат томонидан қабул қилинадиган мажбуриятлар ва кафолат хатлари берилиши талаб қилинадиган барча давлат хусусий шерикчилик тамойиллари асосида имзоланаётган янги лойиҳалар қийматининг чекланган ҳажми 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш ва самарали бошқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Давлат қарзи бўйича йиллик лимитларни белгилаш амалиётини давом эттириш.

2. Миллий валютада қарз маблағларини жалб қилиш орқали валюта хатарларини камайтириш. Бунда, давлат ғазначилик облигацияларини чиқаришнинг чекланган соф ҳажмини 2024 йилда 25 трлн сўм этиб белгилаш;

3. Энг мақбул харажат ва хатар кўрсаткичларига эга давлат қарзи портфелини шакллантиришга қаратилган ўрта муддатли давр учун давлат қарзини бошқариш стратегияни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

4. Давлат қарзини тўлашнинг ўртача муддатини узайтириш, шунингдек, давлат қарзини манбалар бўйича диверсификация қилиш.

5. Давлат ғазначилик облигациялари бозорига халқаро инвесторларни кенг жалб қилиш жараёнини жадаллаштириш;

6. Давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш, уларни камайтириш.

7. Давлат қарзига оид маълумотлар очиқлигини таъминлаш.

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг вужудга келиши сабаблари қуйидагилардан иборат:

-халқаро кредитни жалб этган мамлакатларда иқтисодий коньюнктурасини ёмонлашуви;

-миллий валюталарнинг қадрини кескин пасайиб кетиши;

-халқаро кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш жараёнидаги хато ва камчиликларни мавжудлиги;

-олинган экспорт тушумларининг жаҳон бозорларида товарлар баҳоларини ўзгариб кетиши туфайли халқаро кредитларни қоплашга етишмаслиги;

-халқаро кредитларнинг етарли даражада таъминотга эга бўлмаслиги;

-етакчи ривожланган мамлакатларнинг Марказий банклари томонидан қайта молиялаштириш ставкасини юқори даражада сақлаб турилиши;

-иқтисодий рецессия, ёқилғи ва озиқ-овқат инқирозлари.

Ўрта истиқболда Республикада давлат қарзини бошқаришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Давлат ташқи қарзининг валюта таркибини диверсификациялаши лозим. Россия-Украина уруши туфайли жаҳон иқтисодиётида вужудга келган салбий трендлар Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзини бошқариш амалиётига нисбатан салбий таъсирларни юзага келтирди. Ушбу ҳолат тижорат банкларининг валюта операцияларига салбий таъсир кўрсатди.

2. Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг хорижий валюталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялар ҳажмини ошириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курсини АҚШ долл., евро ва Япония иенасидан

иборат "валюта савати"га нисбатан аниқлашни жорий қилиш йўли билан миллий валюта сўмнинг девалвация суръатини пасайтириш лозим.

3. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан халқаро кредитларни қайтариш амалиётига нисбатан юзага келган салбий таъсирини юмшатиш учун Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати асосида хориждан АҚШ долларида халқаро кредитлар жалб қилиш ва ушбу кредитлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг тижорат банклари олдидаги АҚШ долларидаги муддати ўтган ва муддати келган кредитларни қайтариш лозим. Ўзбекистонда пул массасининг ўсиш суръатларининг юқори эканлиги, миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтирмоқда. Пул массасининг ўсиш суръати юқори бўлиб пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини талаб даражасида ташкил қилинмаганлигини кўрсатади.

4. Давлатнинг ташқи қарзи доирасида жалб қилинган халқаро кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, мамлакат тижорат банклари томонидан корхоналар маҳсулотларига импорт ва экспортни молиялаштириш мақсадига берилаётган халқаро кредитларининг фоиз ставкасини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш амалиётини жорий қилиш лозим; иккинчидан, халқаро кредитлар ҳисобидан молиялаштирилаётган инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш лозим.

Пул-кредит сиёсати ва бюджет сиёсати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш йўли билан давлатнинг ички қарз маблағларини жалб қилиш имкониятини ошириш мақсадга мувофиқ.

Бюджет дефицитининг ортиши фоиз меъёри ва баҳолар даражасининг ўсишига олиб келади.Нисбатан юқори фоиз ставкаси инвестицион фаолликни сусайтиради, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсишини секинлаштиради.

Марказий банк давлат бюджети дефицитининг ўсиши натижасида инфляция жараёнларини кучайишига йўл қўймаслик мақсадида қулай йўлни, жумладан индикатор саватида баҳолар даражасининг барқарор ўсиши кўрсаткичидан фойдаланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Pegkas, P. (2018). The Effect of Government Debt and Other Determinants on Economic Growth: The Greek Experience. Economies, 6(1), P. 10.

2. Scherjon M.T.H. The search for optimal Debt Level. Erasmus University Rotterdam. 2017. Pp. 24-31.; Kraay A. and Nehru V. When Is External Debt Sustainable? The World Bank Economic Reiew, 2003.

3. Азимова Д. Коронавирус пандемияси шароитида давлат қарзини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлили // Молия ва Банк иши. – 2020. №2. 86-90 б.

4. Р.Уикс Браун “Скрытый долг наносит ушерб экономике. Усовершенствование законов о раскрытий информации может помочь снизить этот ущерб”-2 апреля 2024г. www.imf.org

5. Ҳакимов Ҳ.А. Инқироз ва ундан кейинги шароитлар учун давлат қарзларининг юқори чегараси. // Молия ва банк иши. – 2020. №2. 124-131 б.

6. Э.Дабла-Норрис, Д.Фурчери, Р. Лэм, Й. Менкуласи “Ситуация с государственным долгом в мире, вероятно, хуже, чем предстовляется”- www.imf.org , 12 October 2024

7. “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” лойиҳа-www.imv.uz
8. “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” лойиҳа-www.imv.uz
9. “Давлатлар зиммасидаги қарз 100 трлн. Доллардан ошмоқда. Маказий Осиёда вазият қандай?” – www.kun.uz
10. “Ўзбекистоннинг давлат қарзи илк марта 37 млрд.долларга етди. Умумий қарзлар эса 60 млрд. Доллардан ошган”-www.kun.uz
11. “Ўзбекистоннинг давлат қарзи илк марта 37 млрд.долларга етди. Умумий қарзлар эса 60 млрд. Доллардан ошган”-www.kun.uz
12. Марказий банк бошқаруви 2024 йил 31 октябрдаги йиғилишида асосий ставкани йиллик 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди www.cbu.uz
13. Алексеев Ю. У опасной черты. Долговая воронка затягивает крупнейшие экономики мира. https://centrasia.org//newsA.php?st=1724364780
14. www.cbu.uz
15. www.worldbank.org, October 2024